

ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Фазлиев Фаррух Фахриддинович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Мустақил тадқиқотчиси

Тел: +998 90 903 77 77

Email: fara-0606@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22337590>

Аннотация. Мақолада мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш шароитида инвестиция фаоллигини шакллантириш тизими, инвестицион жозибадорликни ошириш омиллари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Калит сўзлар. *Инвестиция, инвестиция жараёни, инвестиция омиллари, инвестицион муҳит, инвестицияфаоллиги.*

Ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш инвестиция фаоллигини ошириш билан бевосита боғлиқ. Инвестицион жозибадорликнинг юқори даражаси ички ва ташқи инвестиция ресурсларини иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш, замонавий технологияларни жалб этиш ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш имконини беради. Бу эса, инвестицион муҳитга таъсир этувчи иқтисодий, ҳуқуқий, институционал ва инфратузилмавий омилларни комплекс баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон стратегиясида мамлакатни ривожланишини таъминлашда кенг қамровли мақсадларни мунтазам равишда амалга ошириб боришни тақозо этади. Бу муҳим тадбир ва йўналишлардан бири мамлакатимиз барча тармоқларида ва саҳаларида самарали инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва жозибадорлигини ошириб бориш ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Бунини ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим”.

Охирги йилларда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Шундан келиб чиқиб, Тадқиқотнинг мақсади — мамлакат иқтисодиётида инвестицион жозибадорликни шакллантирувчи асосий омилларни тизимлаштириш, инвестиция фаоллигини ошириш механизмларини таҳлил қилиш

ҳамда ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотда тизимли ва қиёсий таҳлил, мантиқий умумлаштириш, гуруҳлаш ва илмий абстракция усулларида фойдаланилди. Инвестицион фаолликни шакллантирувчи омиллар, инвестиция жараёнининг босқичлари ҳамда уни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилди.

Таҳлил натижалари инвестицион жозибадорликни таъминлаш фақат молиявий ресурслар мавжудлиги билан чекланмаслигини кўрсатади. Самарали инвестиция муҳитини шакллантириш учун, биринчидан, инвестиция манбаларини аниқлаш ва уларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; иккинчидан, инвестиция жараёни иштирокчиларини институционал қўллаб-қувватлаш; учинчидан, реал инвестиция талабига мос макроиқтисодий муҳитни шакллантириш; тўртинчидан, давлат томонидан инвестиция субъектларини рағбатлантириш талаб этилади. Ушбу йўналишлар манбада инвестиция фаоллигини шакллантиришнинг асосий чора-тадбирлари сифатида ажратилган. Шарп (1997) инвестицион жараённинг моҳиятини кўриб чиқар экан, уни босқичларга бўлиб, қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: инвестицион сиёсатни танлаш; қимматбаҳо қоғозлар бозорининг таҳлили; қимматбаҳо қоғозлар портфелини шакллантириш; қимматбаҳо қоғозлар портфелини қайтадан кўриб чиқиш; қимматбаҳо қоғозлар портфели самарадорлигини баҳолаш.


Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан бири Мустафақулов (2017) инвестицион муҳит ва унинг шаклланиши хусусида тўхталиб: “инвестицион муҳит – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади” - дея фикр билдирган.

Ҳозирги даврда мамлакатда инвестиция фаоллигини ошириш учун эркин иқтисодий муносабатлар принциплари асосида фаолият юритаётган мамлакатлар ҳамда республикада шу соҳадаги илғор тажриблардан келиб чиқиб, қуйидаги тўрт гуруҳ йўналишларида чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Мамлакат инвестиция фаоллигини шакллантириш тизимини ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирлар муҳим ҳисобланади:

- Инвестициялашнинг молиявий маблағлари ва манбаларини аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш;
- Самарали инвестициялашни таъминловчи бозор субъектларини шакллантириш ва уларни қўллаб қувватлаш;
- Реал инвестиция талабига мос ресурсларни жалб этишни таъминловчи макроиқтисодий муҳитни шакллантириш;
- Давлат томонидан инвестиция жараёни субъектларини рағбатлантириш.

Иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожлантириш тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юқори унумли, замонавий асосий воситалар сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш учун узоқ муддатли ва айланма маблағларига сарф қилинадиган қисқа муддатли инвестицияларни жалб суръатлари ва уларнинг миқдорига боғлиқдир.



Расм-1. Инвестицион фаолликка таъсир этувчи омиллар

Юқорида келтирилган 1-расмда инвестицион фаолликка таъсир этувчи омиллар ижобий тарзда амалга оширилишини таъминлашнинг асосий мезони бу хорижий инвестицияларнинг фаол кириб келиши билан таъминланади. Бу эса ўз навбатида қўшимча иш жойлари, қўшимча даромад ва бюджет даромадларининг ўсишини таъминлайди.

Инвестицион жозибаторликни таъминлаш учун ҳам бир қанча муҳим ҳуқуқий норматив база, сиёсий вазият, инвестицион инфратузилма, ижтимоий иқтисодий шароитлар, солиққа тортиш даражаси каби ҳолатлар таҳлил этилишини назарда тутиш керак. Бу омиллар инвестицион жараёни амалга ошириш босқичларини кетма -кет ташкил этишни қулайлигини таъминлайди.

1-босқичда инвестицион ресурсларни топиш (ички ва ташқи инвестициялардан иборат)

2-босқичда инвестицион ресурсларни муайян объектга айлантириш (қуйилмаларга айлантириш)

3-босқичда инвестиция ресурсларининг ошишини таъминлаш (фойдаланишга топширилган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш)

4-босқичда киритилган инвестиция ресурсларининг даромад (фойда) шаклини кўпайтириш.

Бундай босқичларга ажратиш нафақат инвестицион жараёнинг моҳиятини очиқ бериш, балки унинг таъминлаш механизмларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Инвестицион жараёнинг динамиклиги унинг барча босқичларига тадбиқ этилиши унинг қатор вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- потенциал инвесторга эркин маблағларнинг тўпланиши учун шароитлар яратиш бериш;

- инвесторлар учун иқтисодиётда жозибатор тармоқлар, минтақалар ва корхоналарни ташкил этиш;

- iqtisodiyatga investitsiyalarni jalb etishga erdam beradigan huquqiy sharoitlarni davlat tomonidan yaratib bериш;

- potensial investorga dinamik rivojlaniш, ishlab chiqariшни kengaytiriш va investitsion foyda va daromadni olish va shu kabilar uchun sharoit yaratib bеришlarni kiritиш mumkin.

Shu bilan birga, investitsiya jaraёnini resurslarni shakllantiriш, ularni muayyan ob’ektlarga йўналtiriш, yangi ishlab chiqariш quvvatlarini yaratиш va yakunda iqtisodiy daromad olish kabi ўzaro bog’liқ bosқичlar asosida tashkil etиш maqsadga muvofiq. Bunday ёндашув investitsiya jaraёnining naфaқat moлиялаштириш manbalarini, balki uning yakuniy iqtisodiy natijasini ҳам baҳolash imkonini beradi. *Investitsion jozibadorlikni oshiriшning samarali mexanizmi investitsiya resurslarini jalb қилишning ўзи bilan эмас, balki huquqiy kaфoлатlar, makroiqtisodiy barқarorlik, rivojlangan investitsion infратузилма, davlat raғbatlari va investitsiyalarning iqtisodiy natijadorligini taъminlovchi yagona tizimni shakllantiriш bilan belgilanadi.*

Ўтказилган таҳлил asosida investitsion jozibadorlikni oshiriш maqsadida investorlar uchun barқaror va prognoz қилинадиган huquqiy muҳитni taъminlash, investitsiya loyiҳalarini moлиялаштириш manbalarini diversifikasiya қилиш, hudud va tarmoqlarning investitsion saloҳiyati tўғrisidaги aхborot ochiqлигини kengaytiriш, investitsion infратузилмани rivojlantiriш ҳамda davlat tomonidan қўллаб-қувватлаш choralarini aniq natijalar bilan bog’lash maqsadga muvofiq. Shuningdek, investitsion jozibadorlikni baҳolashda jalb etilgan maблағlar hajmi bilan bir қаторda yangi ish ўринlari, ishlab chiqariш quvvatlari, қўшимча daromad va byudjet tushumlarining ўсишини ҳам ҳisobga olish zarur. Manbaда хорижий investitsiyalar oқими қўшимча ish ўринlari, daromadlar va byudjet tushumlarining ўсиши bilan bog’langan.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Yangi Ўзбекистоннинг taraққийёт strategiyasi tўғrisida”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси investitsiya dasturini shakllantiriш va amalga oshiriшning sifat jihātidan yangi tizimiga ўтиш чора-тадбирlari tўғrisida”ги ПФ-5717-сонли Фармони // Қонун ҳужжатlari maълумотlari milliy bazasi, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида investitsiya muҳитини tubdan yaxshilash chorataдбирlari tўғrisida”ги ПФ-5495-сонли Фармони // Қонун ҳужжатlari maълумотlari milliy bazasi, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, “Davlat-xususiy шериклик soҳасини янада takomillashtiriш ҳамda kompleks tizimlashtiriш чоратадбирlari tўғrisida” № 720-сон 30.10.2024

5. Шарп У.Ф. Инвестиции / учебник / пер с английского.-М.:ИНФРА 1977.-1024стр
6. Мустафакулов Ш.И. (2017) Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Тошкент: “BAKTRIA PRESS”, Б.39

